
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАРҶОНА ВИЛОЯТИ БУВАЙДА ТУМАНИ ҲОКИМИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАРҶОНА ВИЛОЯТИ БУВАЙДА ТУМАНИ ҲОКИМИНИНГ ҚАРОРИ

“14” август 2020 йил

№587

Янгиқўрғон қишлоғи

Мақтаб ёшидаги болаларни мажбурий таълимга жалб этиш мақсадида тумандаги таълим муассасаларини худуд ва микрохудудларга бириктириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 мартдаги 140-сонли “Умумий ўрта таълим тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш рисида”ги қарорини 39-бандига асосан туманда мақтаб ёшидаги болаларни умумий ўрта таълимга қамраб олиш жараёнида умумтаълим муассасаларига бириктирилган худудлар (Микрохудудлар)ни аниқ белгилаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6, 25-моддаларига мувофиқ,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Туманда мақтаб ёшидаги болаларни умумий ўрта таълимга қамраб олиш жараёнида умумтаълим муассасаларига бириктирилган худудлар (Микрохудудлар) рўйхати иловага асосан тасдиқлансин.
2. Туман Халқ таълими бўлими (А.Умаров) ва тумандаги умумтаълим муассасалари раҳбарларига мақтаб ёшидаги болаларни умумий ўрта таълимга тўлиқ қамраб олиш, ўқувчиларнинг дарсларга қатнишиши ҳолати юзасидан мониторинг олиб бориш ва аниқланган муаммоларни ўз вақтида бартараф этиш бўйича зарур чораларни кўриш вазифаси юклатилсин.
3. Белгилансинки, тумандаги умумтаълим муассасалари раҳбарлари ўзлари раҳбарлик қилаётган муассасага бириктирилган худуддаги мақтаб ёшидаги болаларни ўз вақтида умумтаълим муассасасига ўқишга жалб қилиш учун маъсул ҳисобланади.
4. “Бувайда кўзгуси” рўзномаси (А.Солиева) га мазкур қарорни рўзномада эълон қилиш ва туман ҳокимлигининг веб-сайтига жойлаштириш вазифаси юклатилсин.
5. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.
6. Ушбу қарорни ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Х.Исақулов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими

Б.Ибрагимов.

2020-08-17 14:28:23